27 ЯНВ 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 46 (20. 613) • 1990 йил 23 февраль, жума • Баҳоси 3 тийин.

МАМЛАКАТ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Мамлакат ва халқнинг бундан буёнги турмушини кўп жиҳатдан ҳал қилиб берадиган мамлакатимиз тарихидаги қийин пайтда КПСС Марказий Комитети сизларга мурожаат қилади.

Қайта қуриш туфайли жамиятимиз ўнлаб йиллар давомида биринчи марта сиёсат ва иқтисодиётда, ижтимоий ва маънавий турмушда туб ислоҳот ўтказиш йўлига, маънавий покланиш йўлига ўтиш имкониятига эга бўлди.

Демократик жараёнлар оғишмай олға томон ҳаракат қилмоқда. Одамларда ижтимоий фаоллик, чуқур ижобий ўзгаришларга ташналик уйғонди.

Мамлакатда авж олиб кетган мунозара давомида жамиятимиз биносини бутунлай янгилаш тўғрисида, кундалик ташвишлар ва эҳтиёжларни ҳал қилиш ҳақида принципиал гап бормоқда. Ҳозирги турмушимизда кўп нарсалар бизни қаноатлантирмайди, ташвиш туғдиради. Меҳнаткашлар эгасизлик ва уқувсизлик, масъулиятсизлик ва суистеъмол фактларига дуч келаётганларида уларнинг ғазабланаётганликлари яхши тушунарлидир. Совет кишилари кескин миллатлараро можаролар, экстремизм, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни қўпол бузиш ҳолларидан ачинмоқдалар ва ташвишланмоқдалар.

Фақат бутун халқнинг куч-қудрати, пайсалга солмай қатъий куч-ғайрат сарфлашгина мамлакатни ҳозирги мураккаб ҳолатдан олиб чиқа олиши бизга мутлақо равшан. Аҳиллик ва ҳаракат бирлиги, қайта қуришни ҳимоя қилишга, социалистик янгиланишни йўлидан ишонч билан олға ҳаракат қилишга аҳду-паймон биз учун ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Биз жамиятимизда қайта қуриш шиорларини такрорлаб, аслида қайта қуришга ҳухлум қилаётган, ўз ғаразли манфаатларини, шуҳратпарастлик мақсадларини кўзлаётган, «қанчалик ёмон бўлса шунча яхшироқ» принципи асосида ҳаракат қилиб, халқни граждан мухолифлиги томон бошлаётган кишиларнинг ҳаддидан ошиб кетишига ва устун келишларига йўл қўя олмаймиз.

Бундай кишилар ҳамма нарсадан фойдаланмоқдалар: мавжуд қийинчиликлар ва нуқсонлардан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар, одамларни зўравонликка, иқтисодий масъулиятсизликка ва гражданлик қонун-қоидаларига бўйсунмасликка, давлат ва жамоат муассасаларига тазйиқ ўтказишга ундамоқдалар. Қабиҳ эҳтиросларни ва ҳис-туйғуларни авж олдириш, партия, совет, хўжалик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига, армиямизга тухмат ва бўҳтон қилиш — ҳаммаси шармандаларча ишга солинмоқда.

Мамлакатда айни ана шундай экстремист кучларнинг таъсири билан кўпгина намойишлар бўлиб ўтди, бу намойишлар янгиланиш шиорлари билан бошланиб, Советларга қарши даъватлар ва тартибсизликлар, безорилик хуружлари ва ур-йиқитлар билан, одамлар бошига алам ва қайғу солиш билан тугади.

Биз ҳар қандай сафсатабозлар ва сиёсатбозларнинг демократияга қарши, қонунга қарши ҳаракатларига, уларнинг миллий нифоқ солишларига, қўпол тазйиқ ўтказиш ва қўрқитиш усулларига, партия ва совет идоралари ва уларнинг ходимларини тушкунликка солишга уринишларига, жамиятда душманлик ва шафқатсизлик, ташвиш ва ишончсизликни авж олдиришларига тоқат қила олмаймиз ва тоқат қилмаслигимиз керак.

Булар йўл қўйиб бўлмайдиган ва тоқат қилиб бўлмайдиган хатти-ҳаракатлардир. Бундай хатти-ҳаракатлар қатъиян қораланиши керак.

СССР Олий Совети 20 февраль куни қабул қилган Баёнотида бузғунчи кучларни жамиятимиз кемасини чайқатишга уринмаслик ҳақида огоҳлантирди, ҳукумат, жойлардаги совет идоралари зиммасига ҳар қандай митинг фақат ҳокимиятнинг рухсати билан ўтишини, совет қонунларига қатъиян ва оғишмай риоя қилинишини қаттиқ назорат қилишни таъминлаш вазифасини юклади.

КПСС Марказий Комитети Олий Советнинг сиёсий Баёнотини қўллаб-қувватлаб, барча партия ташкилотларини, мамлакатнинг барча меҳнаткашларини қайта қуришни ҳимоя қилишга, олий ҳокимият органи талабларини амалда рўёбга чиқаришга чақиради.

КПСС Марказий Комитети коммунистлар ва партиясизларни, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларни, касаба союзлари ва комсомолни, эркаклар ва аёлларни, ёшлар ва ветеранларни ҳамма жойда қонунни, демократия принципларини асраб, бошбошдоқликка бошлаётган, можаролар, нифоқ ва душманлик келтириб чиқараётган, жамиятда беқарорликни вужудга келтираётган кишиларга зарба беришга чақиради. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳуқуқ-тартиботга риоя этилишини қаттиқ кузатиб боришлари, Конституцияга зид ҳар қандай ҳаракатларга қатъиян чек қўйишлари, одамларни ҳимоя қилишлари керак.

Меҳнат аҳлининг сўзи пировардида ҳал қилувчи сўздир. Марказий Комитет меҳнаткашлар ўзларининг уюшқоқлиги, интизоми ва масъулияти билан, қайта қуришга халақит бераётганларга, қайта қуришнинг бунёдкорлик маромини бузаётганларга қарши курашдаги қатъияти билан, мамлакатимизда партиямиз ташаббуси билан бошланган ўзгартишлар муваффақиятини таъминлайди, деб ишонч билдиради.

Мамлакатни ҳозирги мураккаб вазиятдан олиб чиқиш, уни иқтисодий ўсиш, ижтимоий жиҳатдан соғломлик, муносиб турмуш йўлига фақат масъулият ва соғлом фикр, қонунийлик, интизом ва демократия, ҳалол меҳнат билангина буриб юбориш мумкин.

КПСС Марказий Комитети социалистик Ватан йўлида, мамлакатдаги барча халқларнинг, бутун жамиятнинг фаровонлиги, ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада бахт-саодат бўлиши учун демократик асосда бирлашишга даъват этади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

ЯХШИ НИЯТ

Бу йилги шароитда иш қуролини созлаб қўйган деҳқонлар экишни тез фурсатларда якунлайдилар. Шу сабабли жумҳуриятимизнинг кўпгина хўжаликлари бу ишни пайсалга солмай, муддатидан илгари бажариб қўйишди. Риштон районидаги «Коммунизм» колхози бу йил 1650 гектар майдонга чигит экиб, ҳар гектар майдондан 35 центнердан ҳосил йиғиб олишни мўлжалламоқда. Марра улкан. Шу мўлжалга етиш учун хўжалик миришкорлари қишки юмушларини, техникани созлаш ишларини уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Муроджон Ғаниев колхознинг 3-участкаси механизатори. У бугунги кунгача ўз тракторини барвақт ремонтдан чиқарди. Ҳозир бошқаларга ҳам бажонидил кўмаклашмоқда. Илғор механизатор хўжаликда тер тўкиш билан бирга Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институтида сиртдан ўқиб, малакасини оширмоқда. Суратда: илғор механизатор Муроджон Ғаниев.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурати.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўзбекистон ССР Олий Советини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг биринчи сессияси 1990 йил 29 мартда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 22 февраль.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми маълум қиладики, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи сессиясида кўриб чиқиш учун қуйидаги масалаларни киритиш кўзда тутилади:

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети органларини тузиш.
2. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳукуматнинг бўлажак фаолияти программаси тўғрисидаги ҳамда СССР халқ депутатлари иккинчи Съездининг «Иқтисодиётни соғломлаштириш тадбирлари, иқтисодий ислоҳотнинг босқичлари ва XIII беш йиллик планини ишлаб чиқишга принципиал ёндашувлар ҳақида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги доклади.
3. Ўзбекистон ССР Министрлар Советини ҳамда Олий Советга бўйсунувчи бошқа органларни тузиш.
4. Республикани иқтисодий мустақилликка, ўзини ўзи бошқариш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказиш ишининг асосий йўналишлари ҳақида.
5. Республика меҳнаткашларининг Ўзбекистон ССР гражданлари ҳарбий хизматни ўташи тартибини ўзгартириш масалаларига доир таклифлари тўғрисида.

Шу масалалар билан бирга бошқа бир қанча масалаларни ҳам муҳокама қилиш кўзда тутилмоқда.

• Бугун—Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни

ОКТЯБРЬ ФАРЗАНДИ

Янги, социалистик типдаги қуролли кучларни ташкил этиш бевосита В. И. Ленин номи билан, Коммунистик партиянинг амалий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Гражданлар уруши ва чет эл интервенциясининг энг оғир шароитларида партия социалистик Ватан ҳимояси тўғрисидаги Ленин таълимотини мунтазам ва қатъий амалга ошириш учун курашди. Советлар Ватанининг Қуролли Кучларини ташкил этишдек масъулиятли вазифани муваффақиятли ҳал этди.

ИЧКИ ВА ТАШҚИ контрреволюцияга қарши курашни ташкил этиш учун Туркистон фронти қўшинларига М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, С. И. Гусев, Я. Э. Рудзутак, Ш. З. Элиава, Г. И. Бокий, Д. А. Фурманов каби кўзга кўринган партия ва ҳарбий арбоблар юборилди. Улар раҳбарлигида коммунистлар ҳалқни қуролли курашга сафарбар этдилар. Ҳарбий ҳаракатларга бевосита раҳбарлик қилдилар.

Большевиклар партиясининг раҳбарлигида, кенг меҳнаткашлар оммасининг кўмагида Қизил Армия революциянинг ички ва ташқи душманларини тор-мор келтирди. Гражданлар урушида қозонилган ғалаба Ватанимиз ўзининг ички ва халқаро майдондаги аҳволини мустаҳкамлашга, тинч социалистик қурилишни бошлашига, иқтисодий ва мудофаа қобилиятини ривожлантиришга имконият яратди.

Мудофаа саноати тез тараққий эта бошлади. Армия ва флот қайта қуролланди. Шахсий составни ўқитиш ва тарбиялаш такомиллашди. Бироқ урушдан олдинги йиллардаги Сталин шахсига сиғиниш мамлакатимиз мудофаа қобилиятини, армия ва флотни мустаҳкамлаш ишига жиддий зарар келтирди. Минглаб совет гражданлари — партия аъзолари ва партиясизлар, шу жумладан ҳарбий кадрларнинг маълум қисми асоссиз репрессияга учради. Булар орасида В. К. Блюхер, М. Н. Тухачевский, А. И. Егоров, И. Э. Якир, И. И. Уборевич, П. Е. Дибенко, А. И. Корк, В. С. Лазаревич каби ҳарбий саркардалар бор эди. Натижада армия ва флотда бошланган кўпгина ишлар ўлда-жўлда қолиб кетди. Бу эса фашист босқинчиларига қарши курашнинг дастлабки даврида сезилиб қолди.

1941 йил 22 июнда фашистлар Германияси томонидан Совет Иттифоқига қарши қилинган босқинчилик бутун халқаро империалистик кучлар томонидан уюштирилган эди. Бу босқинчилик қўққисдан, хиёнаткорона, жуда катта куч ёрдамида амалга оширилди. Гитлерчилар «яшин тезлиги»даги уруш натижасида қисқа муддат ичида дунёда биринчи социалистик мамлакатни тор-мор қилиб, бутун жаҳонга ҳоким бўлишни хом хаёл қилган эдилар.

Бутун мамлакат душманга қарши мислсиз курашга отланди. Бу уруш совет халқининг она-Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун муқаддас кураши эди. Улуғ Ватан уруши жанг майдонларида фақатгина социализм тақдири эмас, балки бутун инсонят келажаги ҳам ҳал этилмоқда эди. Улуғ Ватан урушининг ана шундай оғир дамларида Коммунистик партия немис-фашист босқинчиларига қарши умумхалқ курашининг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлди.

Партия халқ хўжалигини ҳарбий изга кўчириш соҳасида улкан иш олиб борди. Фронт ва фронт орқасини ягона лагерга бирлаштирди. Қуролли Кучларга раҳбарликни таъминлади. Бутун мамлакатга раҳбарлик қилиш ва унинг тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига олди.

Улуғ Ватан уруши йилларида социализм душман устидан шунчаки ғалаба қилибгина қолмасдан, балки у энг оғир вайронгарчилик урушида маънавий-сиёсий жиҳатдан чиниқиб, бутун жаҳонда ўз обрў-эътиборини мустаҳкамлади.

Совет Иттифоқининг ғалабаси қонуний эди. Бу Улуғ Октябрь туфайли дунёга келган ижтимоий тузумимизнинг афзаллиги натижасидир.

Улуғ ғалабанинг қудратли манбаларидан бири мамлакатимиз халқларининг байналмилал қардошлигидир. Коммунистик партия чақириғига биноан Иттифоқимиздаги барча миллат ва элатлар социалистик Ватан ҳимоясига отландилар. Душман билан курашда Ўзбекистон меҳнаткашлари ва унинг ўғлонлари кўплаб шонли саҳифалар яратдилар. Ўзбекистонликлар жанг майдонларида душман билан олишувларда мислсиз жасорат кўрсатдилар. Фронт орқасида фидокорона меҳнат қилдилар. Брест қалъасини мудофаа қилишда Н. Сиддиқов ва Д. Абдуллаев, Москва остоналарида З. Иброҳимов ва Г. Абдукаримов, Берлинни олишда эса С. Умаров ва А. Голубенко ва бошқа жангчилар ўз номларини шон-шуҳратга буркадилар. Қудрат Суюнов, Тўйчи Эрйигитов, Тоштемир Рустамовлар эса Александр Матросов жасоратини қайтардилар. Фашист босқичилари билан бўлган жангларда кўрсатган жасорати учун 120 мингдан ортиқ ўзбекистонликлар СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. 300 дан ортиқ жангчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилди. Улар орасида С. Абдуллаев, П. Нурматов, В. Набиев, С. Чернико, К. Ёқубов ва бошқалар бор. Туркистон ҳарбий округида ташкил этилган қўшилма ва қисмлар ўз байроқларини мислсиз шон-шуҳратга буркадилар. Генерал И. В. Панфилов, И. А. Кузовков, С. Раҳимов дивизиялари ана шулар жумласидан. Туркистончи-командирлар жанг майдонларида зўр мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатдилар.

(Давоми тўртинчи бетда).

АРМИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ АЛОҚАСИ УЗИЛМАСДИР

Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта опера ва балет театрига партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, Тошкент гарнизонининг жангчилари, байналмилалчи жангчилар, Ўзбекистон пойтахти меҳнат коллективлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари келишди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков очди.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко доклад қилди.

В. И. Ленин раҳбарлигида тузилган Қуролли Кучлар мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтдилар. Ҳозир бутун совет жамиятида бўлгани сингари армияда ҳам жиддий қайта қуриш жараёни рўй бермоқда. КПСС, Совет давлати тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик билан ўтказа бориб, Қуролли Кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш борасида амалий қадамлар қўйиб, айни бир вақтда Октябрь ғалабаларини мустаҳкам ҳимоя қилишга қаратилган армияга ҳам эътиборни сусайтирмаяпти.

Докладда Улуғ Ватан урушида нацистлар Германияси устидан эришилган ғалабада Совет Армияси муҳим роль ўйнаганлиги таъкидланди. Туркистончи жангчилар ҳам ғалабага ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Жамиятимизни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида содир бўлаётган жўшқин инқилобий янгиланиш жараёнлари армияни ҳам четлаб ўтмади. Интизомни мустаҳкамлаш, жангчиларнинг маҳоратини ошириш билан бирга офицерлар состави билан ҳарбий хизматчиларнинг маънавий яқинлиги мустаҳкамланмоқда, Қуролли Кучларнинг демократик ташкилотлари фаоллашмоқда, армия билан халқнинг алоқаси мустаҳкамланмоқда. Республикамизда областлар билан ўзбекистонлик жангчилар хизмат қилаётган ҳарбий қисмлар ўртасида оталиқ алоқалари ривожланиб бормоқда. Ёвуз ниятли кишиларнинг армияга қарши кайфиятни гиж-гижлашга ҳар қандай уринишлари ҳам армия билан халқ ўртасидаги мустаҳкам алоқани буза олмайди.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг шахсий состави Октябрь ғалабаларини, совет кишиларининг тинч меҳнатини ҳимоя қилишга доим тайёр. Бутун совет кишилари сингари Туркистон жангчилари ҳам Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 45 йиллигини, КПСС XXVIII съездини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўришмоқда.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Р. Ғ. Ғуломов, республика Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси А. С. Моргасов иштирок этдилар.

* * *

Тантанали йиғилиш қатнашчилари учун байрам концерти қўйиб берилди.

(ЎзТАГ).

Марказий сайлов комиссиясида

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ БАЪЗИ ОКРУГЛАРДА ҚАЙТА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижалари тўғрисида тегишли округ сайлов комиссиялари тақдим этган протоколларни кўриб чиқиб, «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 53-моддасига асосан 1990 йил 15 апрелда 36 та сайлов округида қайта сайлов ўтказишга қарор қилди. Қайта сайлов ўтказиш аввалги составдаги тегишли округ ва участка сайлов комиссияларига топширилди.

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқ асосий сайловолди тадбирларини ўтказишнинг қуйидаги тартиби белгиланди:

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш — 1990 йил 15 мартга қадар;

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш — 1990 йил 31 мартга қадар;

депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари улар рўйхатга олинган кундан бошлаб 1990 йилнинг 14 апрелигача ўтказилади;

сайловчиларнинг рўйхатлари ҳамма танишиши учун 1990 йилнинг 3 апрелида тақдим этилади.

Қайта сайловда овоз бериш аввалги сайлов участкаларида, умумий сайлов ўтказиш чоғида тузилган сайловчилар рўйхатлари асосида ўтказилади.

Тегишли округ сайлов комиссияларига барча сайловолди тадбирларини сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ сифатли ўтказилишини таъминлаш ҳамда қайта сайлов ўтказилиши тўғрисидаги ахборотни область матбуоти ва маҳаллий матбуотда 1990 йил 1 мартгача эълон қилиш вазифаси топширилди.

СССР МОЛИЯ МИНИСТРЛИГИ ВА СССР ДАВЛАТ БАНКИДА

СССР Молия министрлиги ва СССР Давлат банки СССР халқ хўжалигини ривожлантириш Давлат заёми (1954 йилда чиқарилган) облигацияларининг қийматини СССР жамғарма банкининг муассасалари 1990 йилнинг 22 февралидан бошлаб тўлашини маълум қиладилар.

Қаттиқ жамоат тартиби ўрнатиш ва интизомни мустаҳкамлаш — меҳнаткашлар талаби

БАРАКА КЕТМАСИН

Кейинги пайтларда мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар анча мураккаблашди. Қаердаки ҳар хил рухсат этилмаган митингларга, намойиш ва юришларга ўз вақтида чек қўйилмаган бўлса, ўша ерда албатта жамоат тартибини бузиш ҳоллари юз берди. Бу ўзўзидан маълумки, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда анча қийинчиликлар туғдирмоқда. Иқтисодиётимизни ҳам танглаштириб юборди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ўзбекистон ССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони шу жиҳатдан олганда айни муддао бўлди. Зеро, ҳозирги пайтда республикамизда вазият етарли яхши эмас. Шунинг учун ҳам бу вазият барқарор бўлгунга қадар кўча юришлари ва намойишлар ўтказишга вақтинча рухсат берилмаганлиги кўпгина шовқин-суронларнинг, бемаврид тўполонларнинг олдини олади.

Жанжал-тўполон, бақириқ-чақириқ билан эса ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Барча эзгу ниятларга фақат меҳнат орқали эришиш мумкин. Бир кун жанжал бўлган жойдан қирк кун барака кетади, дейдилар.

Мана республикамиз партия ва ҳукумати пахтачилик, пилла чилик ва бошқа соҳалардаги муаммоларни секин-аста ҳал қилишга киришяпти. Қишлоқ аҳлига эътибор кучаймоқда. Томорқа ерларн бериляпти, уй-жой солиш имкониятлари яратиляпти. Ўйлайманки, фақат халқлар ўртасидаги чинакам дўстлик, меҳр-оқибат туфайлигина бошқа муаммоларни ҳам тезда ҳал этишимиз муқаррар.

У. ХОЛДОРОВ,
Улуғ Ватан урушн ветерани, Қўшработ район, Аймат қишлоғи.

БЕБОШЛИККА ЧЕК ҚЎЯЙЛИК

Мен оддий ишчиман. Кейинги пайтда мамлакатимизда, шу жумладан республикамизда бўлаётган воқеалар мени ҳам ташвишга солмоқда. Иқтисодиётимиз, ижтимоий ва миллатлараро муносабатлар соҳасида йиғилиб қолган муаммолар айни шу кезларда қалқиб чиқиб, бир талай чигалликларни юзага келтирди.

Эндигина Фарғона ва Боку, Степанакерт ва Нахичевань воқеаларини унутай деб турганимизда, Душанбеда янги фожиа юз берди. Яна ҳалок бўлганлар, ярадорлар ва қочоқлар тўғрисидаги таҳликали маълумотномаларни эшита бошладик. Шу туфайли кишилар онгида беҳаловатлик юзага келяпти.

Айниқса, демократия ва ошкораликни бошқача тушунган экстремистлар ва жиноятчи унсурлар кескин вазиятдан фойдаланиб, халқлар ўртасига нифоқ солишга, зўравонлик ва бошқа миллат вакилларига қўпол тарзда тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилишмоқда. Натижада халқларимиз ўртасида неча йиллардан буён муштарак бўлган дўстликка, қардошлик ришталарига путур етмоқда.

Шу маънода республикамиз ҳукуматининг куни кеча қабул қилган «Ўзбекистон ССРда йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишларни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони айни муддао бўлди. Ушбу ҳужжат юқоридаги каби бебошликларга чек қўйишда муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблайман. Чунки эндиликда фақат қонун йўли билангина жамоат тартибини сақлаш, мустаҳкамлаш, экстремист ва жиноятчи унсурларнинг пайини қирқиш мумкин.

Т. МАҚСУДОВ,
Ғиждувон пахта тозалаш заводи слесари.

• Диққат, янги рубрика!

«ХАЛҚ ИРОДАСИ»

Азиз газетхонлар! Маълумки, «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси ҳар куни жумҳуриятимизнинг барча вилоятларидан, Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан, шунингдек, чет эллардан юзлаб хат-хабарлар олади. Биз газета саҳифаларида улардан имкони борича кўпроқ фойдаланишга, қолганларини эса текшириш ҳамда зарур чора-тадбирлар кўриш учун тегишли идораларга юборамиз. Келаётган хат-хабар, арз ва таклифномалар, турли сўров, истаклар, мулоҳазаларни мавзуларига қараб жамлаш, уларда кўтарилаётган муаммолар, олга сурилаётган масалаларга партия, совет, касаба союз ва хўжалик органлари эътиборини кучайтириш мақсадида «ХАЛҚ ИРОДАСИ» умумий сарлавҳаси остида махсус саҳифалар бериб боришни лозим топдик. Ўйлаймизки, бу саҳифа республикамиздаги жамоат фикридан хабардор бўлиб туришга ҳам ёрдам беради.

Рўзномамизнинг азиз ўқувчилари! Мазкур саҳифаларнинг янада мазмундор чиқиши, ёритилаётган мавзулар кўламининг кенг, атрофлича бўлиши, ҳамма областлар ҳаётининг тўлароқ қамраб олиниши сизларга ҳам боғлиқ. Шу боис сизлардан хат-хабарлар кутамиз. Айни пайтда ушбу саҳифа ҳамда бошқа мавзулар борасидаги фикрларингизни биздан аямайсиз, деб ўйлаймиз.

Бугун дастлабки саҳифани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

(3-БЕТГА ҚАРАНГ).

1990 ЙИЛ 18 ФЕВРАЛЬ КУНИ САЙЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

Фозилов Абдунаби Исмоилович — Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, КПСС аъзоси, Бухоро шаҳри, Бухоро область 170-Тўқимачи сайлов округидан.

Фозилов Ғуломжон — Фарғона область ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Фарғона шаҳри, Фарғона область 435-Сўх сайлов округидан.

Хидиров Темир Пўлатович — халқ депутатлари Қашқадарё область Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Қарши шаҳри, Қашқадарё область 230-Ленинград сайлов округидан.

Хлебушкина Антонина Павловна — Болалар уйининг директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳар 56-Дўстлик сайлов округидан.

Холбоев Мамаюсуф Поёнович — Ўзбекистон Компартияси Термиз шаҳар комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Термиз шаҳри, Сурхондарё область 343-Термиз сайлов округидан.

Холбеков Абдулло — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг механизатори, КПСС аъзоси, Ўрта Чирчиқ райони, Тошкент область 110-Пахтаобод сайлов округидан.

Холиқов Мўмин Саъдуллаевич — Ўзбекистон Компартияси Навоий район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Навоий район Кармана шаҳри, Бухоро область 192-Кармана сайлов округидан.

Холиқов Содиқ — автомобиль йўл транспорти бошқармасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Китоб шаҳри, Қашқадарё область 221-Китоб сайлов округидан.

Холмуродова Мунаввар — Қизилтепа районидаги «Бухоро» колхозининг аъзоси, КПСС аъзоси, Қизилтепа райони, Бухоро область 191-Зармитан сайлов округидан.

Холназаров Абдуҳамид Жоназарович — Сирдарё ГРЭСи электр цехининг катта мастери, КПСС аъзоси, Ширин шаҳри, Сирдарё область 391-Ширин сайлов округидан.

Худойбердиев Муртазо Мустафоевич — Зафаробод руда бошқармаси бўлинмаси бошлиғи, Ғиждувон районининг Зафаробод шаҳар посёлкаси, Бухоро область 184-Районобод сайлов округидан.

Худойбердиева Ҳалима Умматқуловна — «Саодат» журналининг бош муҳаррири, Тошкент шаҳри, Тошкент область 95-Димитров сайлов округидан.

Худойқулов Ислом Истамович — Қорасув наслдор паррандачилик бирлашмасининг бош директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент область 99-Калинин сайлов округидан.

Хўжаев Маҳамаджон Сулаймонович — Фарғона шаҳар ижрокоми халқ таълими бўлимининг мудири, КПСС аъзоси, Фарғона шаҳри, Фарғона область 395-Тўқимачилик сайлов округидан.

Хўжаев Эркин Норматович — Самарқанд қишлоқ хўжалик институти сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири, КПСС аъзоси, Самарқанд шаҳри, Самарқанд область 280-Гагарин сайлов округидан.

Хўжаназаров Улмамбет — Қорақалпоғистон АССР Телевидение ва радио эшитириш давлат комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон АССР 491-Сарабой сайлов округидан.

Чачи Риза — Янгийўл шаҳар марказий касалхонасининг жарроҳи, Янгийўл шаҳри, Тошкент область 78-Янгийўл сайлов округидан.

Чегебоев Султон Чегебоевич — «Каршистрой» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Қарши шаҳри, Қашқадарё область 205-Қарши сайлов округидан.

Шайхов Эркин Турдиевич — Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг ректори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент область 102-Салор сайлов округидан.

Шамсиддинов Сайфиддин — Қоракўл районидаги «Искра» колхозининг бригадири, КПСС аъзоси, Қоракўл райони, Бухоро область 189-Янгибозор сайлов округидан.

Шарипов Жаҳонгул Жўраевич — Ўзбекистон Компартияси Бекобод район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Бекобод райони, Тошкент область 85-Пушкин сайлов округидан.

Шарипова Зубайда Тошпўлатовна — «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикасининг тўқувчиси, КПСС аъзоси, Шаҳрисабз шаҳри, Қашқадарё область 233-Шаҳрисабз сайлов округидан.

Шарофутдинов Ҳимойдин Шарофутдинович — халқ депутатлари Сурхондарё область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, КПСС аъзоси, Термиз шаҳри, Сурхондарё область, 357-Сариосиё сайлов округидан.

Шерматов Муроджон Имиминович — халқ депутатлари Ильич шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Қўрғонтепа райони, Андижон область 147-Ильич сайлов округидан.

Шерқулов Мўмин — Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ўқув-тажриба хўжалигининг бош агрономи, Самарқанд райони, Самарқанд область 322-Боғибаланд сайлов округидан.

Шоабдураҳимов Шоиноят — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳар 4-Янгиобод сайлов округидан.

Шодиев Мияссар — Ўзбекистон Компартияси Каттақўрғон район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Каттақўрғон районидаги Янгиқишлоқ қишлоғи, Самарқанд область 302-Каттақўрғон сайлов округидан.

Шодмонов Козим — «Шарқ юлдузи» колхозининг бригадири, КПСС аъзоси, Избоскан райони, Андижон область 143-Коммуна сайлов округидан.

Штерн Геннадий Яковлевич — «Ташметрострой» трестининг бошқарувчиси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳар 57-Чилонзор сайлов округидан.

Шукуров Хидир — Сирдарё область халқ назорати комитети раисининг ўринбосари, КПСС аъзоси, Жиззах шаҳри, Сирдарё область 365-Баҳмал сайлов округидан.

Этамбердиев Маматкарим Ашурович — Задарё районидаги «Украина» совхозининг директори, КПСС аъзоси, Задарё районидаги Бўстон қишлоғи, Наманган область 253-Гулбоғ сайлов округидан.

Эргашева Осиё Гатауловна — Фарғона «Газоаппарат» заводининг пайвандчиси, Фарғона шаҳри, Фарғона область 394-Охунбобоев сайлов округидан.

Эргашева Мунисхон — Ўзбекистон Компартияси Пахтаобод район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Пахтаобод районидаги Пахтаобод шаҳри, Андижон область 160-Маданият сайлов округидан.

Эржонов Отажон — Янгиариқ район марказий касалхонаси бош врачининг ўринбосари, КПСС аъзоси, Янгиариқ райони, Хоразм область 470-Янгиариқ сайлов округидан.

Эсонов Йўлдошбой — Ленинград районидаги Энгельс номли колхознинг бригадири, КПСС аъзоси, Ленинград районидаги Палахон қишлоғи, Фарғона область 432-Янгиқишлоқ сайлов округидан.

Эшназаров Ҳамза Исмоилович — Янгиер район ижроия комитети халқ таълими бўлимининг мудири, КПСС аъзоси, Янгиер райони, Сирдарё область 385-Наврўз сайлов округидан.

Эшонқулов Низом — Навоий районидаги СССР 60 йиллиги номли совхознинг бригадири, КПСС аъзоси, Навоий районидаги Ҳазара қишлоғи, Бухоро область 193-Ўзбекистон сайлов округидан

Эшонқулов Ҳайдар Каримович — Ульянов районидаги Учинчи Интернационал номли совхознинг бригадири, КПСС аъзоси, Қамаши қишлоғи, Қашқадарё область 226-Муғлан сайлов округидан.

Юсуфалиев Сотиболди — «Узбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиқариш бошлиғи, КПСС аъзоси, Ангрен шаҳри, Тошкент область 68-Юбилейний сайлов округидан.

Юсупов Анвар Аъзамович — «Зенит» заводининг директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳар 10-Юнусобод сайлов округидан.

Юсупов Иброҳим — Қорақалпоғистон халқ шоири, КПСС аъзоси, Нукус шаҳри, Қорақалпоғистон АССР 481-Кегейли сайлов округидан.

Юсупов Искандар — «Узагрострой» бирлашмасининг бошлиғи, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Хоразм область 468-Шовот сайлов округидан.

Юсупов Машариф — Ўзбекистон Компартияси Андижон район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Андижон райони, Андижон область 132-Хартум сайлов округидан.

Юсупов Олимжон — Ўзбекистон Компартияси Фрунзе район Комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Фрунзе районидаги Катта Ғанжиравон қишлоғи, Фарғона область 447-Дангара сайлов округидан.

Юсупов Эймурод Кокилович — Шеробод районидаги 3-кўчма механизациялашган колоннанинг автокранчиси, КПСС аъзоси, Шеробод районидаги «Гулистон» совхози, Сурхондарё область 336-Оққўрғон сайлов округидан.

Қаландаров Абдуҳалим Абдураҳимович — Қува районидаги 37-ўрта мактабнинг ўқитувчиси, Қува районидаги Гулистон қишлоғи, Фарғона область 414-Намуна сайлов округидан.

Қамбаров Камолиддин Мамашарипович — Уйчи районидаги «Уйчи» колхози комсомол комитетининг секретари, КПСС аъзоси, Уйчи районидаги Уйчи шаҳар посёлкаси, Наманган область 265-Уйчи сайлов округидан.

Қиличев Мадиёр — «Туямуйингидрострой» қурилиш трести бошқармаси 1-кўчма механизациялашган колоннаси экскаваторчиларининг бригадири, КПСС аъзоси, Дружба шаҳри, Хоразм область 463-Дружба сайлов округидан.

Қиличев Тошбўри Раҳимович — халқ депутатлари Самарқанд область Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Самарқанд шаҳри, Самарқанд область 305-Киров сайлов округидан.

Қиличева Ҳайриниса — Термиз районидаги Ҳамза номли ўрта мактабнинг ўқитувчиси, КПСС аъзоси, Термиз райони, Сурхондарё область 340-Паттакесар сайлов округидан.

Қиронова Ойдин Эрназаровна — Ургут районидаги Н. Крупская номли колхоз аъзоси, Ургут районидаги Қайроқли қишлоғи, Самарқанд область 328-Энгельс сайлов округидан.

Қобилов Тоҳиржон — районлараро улгуржи базасининг директори, КПСС аъзоси, Шаҳрихон шаҳри, Андижон область 158-Москва сайлов округидан.

Қобулов Исматулла — Андижон районидаги «Ямбол» совхозининг директори, КПСС аъзоси, Андижон райони, Андижон область 134-Найман сайлов округидан.

Қодиров Пиримқул Қодирович — Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Сирдарё область 379-Оқолтин сайлов округидан.

Қодиров Усмон — халқ депутатлари Денов район Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Денов райони, Сурхондарё область 354-Пистамозор сайлов округидан.

Қодирова Тўлқиной Фозилжоновна — Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси правлениесининг раиси, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳар 18-Луначарское сайлов округидан.

Қозоқбоев Айтмурат — Ленинобод районидаги Свердлов номли совхоз бригадири, КПСС аъзоси, Ленинобод райони, Қорақалпоғистон АССР 500-Ленинобод сайлов округидан.

Қозоқов Жумабой — Гурлан районидаги «Коммунизм» колхози правлениеси раисининг ўринбосари, КПСС аъзоси, Гурлан райони, Хоразм область 456-Навоий сайлов округидан.

Қорабоев Мирзааҳмад — Чортоқ районидаги «Октябрь» колхозининг бригадири, КПСС аъзоси, Чортоқ районидаги Ойқирон қишлоғи, Наманган область 270-Ойқирон сайлов округидан.

Қосимов Ботир Ғафурович — Тошкентдаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳар 51-Горький сайлов округидан.

Қурбонбоев Болтабой — Ўзбекистон ССР халқ назорати комитети раисининг биринчи ўринбосари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Хоразм область 461-Хазорасп сайлов округидан.

Қурбонниёзов Тўйчи — Хатирчи район марказий касалхонасининг бош врачи, КПСС аъзоси, Хатирчи районидаги Янгиравот шаҳар посёлкаси, Самарқанд область 331-Ленин сайлов округидан.

Қутлимуротов Султамурат Есбергенович — Ўзбекистон Компартияси Хўжайли район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Хўжайли шаҳри, Қорақалпоғистон АССР 495-Охунбобоев сайлов округидан.

Қутбиддинов Фазлиддин — Ўзбекистон Компартияси Наманган шаҳар комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Наманган шаҳри, Наманган область 246-Энгельс сайлов округидан.

Кўчимов Абдусаид — «Ленин учқуни» газетасининг муҳаррири, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Самарқанд область 329-Қоратепа сайлов округидан.

Ҳабибуллаев Асқад Шарипович — Ўзбекистон Компартияси Сирдарё область комитетининг иккинчи секретари, КПСС аъзоси, Жиззах шаҳри, Сирдарё область 375-Октябрь сайлов округидан.

Ҳабибуллаев Пўлат — ЎзССР ФА иссиқлик физикаси бўлимининг мудири, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Андижон область 144-Избоскан сайлов округидан.

Ҳайдаров Зилемҳон — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар мудири, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Сирдарё область 383-Крестяньский сайлов округидан.

Ҳайдаров Тўйчи — Ўзбекистон Компартияси Акмал Икромов район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳар 7-Акмал Икромов сайлов округидан.

Ҳайруллаев Шариф Камолович — Бухоро область касаба союзлари Советининг раиси, КПСС аъзоси, Бухоро шаҳри, Бухоро область 169-Бухоро сайлов округидан.

Ҳакимов Ботирали Жўрабоевич — халқ депутатлари Наманган область Совети ижрокомининг раиси, КПСС аъзоси, Чортоқ районидаги Ойқирон қишлоғи, Наманган область 261-Поп сайлов округидан.

Ҳакимов Эгамберди — Ўзбекистон Компартияси Янгиариқ район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Янгиариқ район, Хоразм область 471-Аваз Ўтар сайлов округидан.

Халилов Эркин Ҳамдамович — ЎзССР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти сектор мудири, КПСС аъзолигига номзод, Тошкент, шаҳри Тошкент шаҳар 36-Чуқурсой сайлов округидан.

Ҳалимбетов Қозоқ, — халқ депутатлари Хоразм область Совети ижрокомининг раиси, КПСС аъзоси, Урганч шаҳри, Хоразм область 472-Янгибозор сайлов округидан.

Ҳамидов Бахтиёр Султонович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлимининг мудири, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Хоразм область 451-Гурлан сайлов округидан.

Ҳамидов Жаҳонгир Ҳамидович — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон АССР 474-Ленинск сайлов округидан.

Ҳамидов Мурод Салоҳиддинович — 194-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна ғишт терувчилари бригадири, КПСС аъзоси, Свердлов райони, Бухоро область 200-Хумдана сайлов округидан.

Ҳасанов Муқим Ҳасанович — халқ депутатлари Сирдарё область Совети ижрокоми раисининг ўринбосари, КПСС аъзоси, Жиззах шаҳри, Сирдарё область 370-Токчилик сайлов округидан.

Ҳатамов Тоҳирбой — Ўзбекистон Компартияси Андижон шаҳар комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Андижон шаҳри, Андижон область 128-Озод сайлов округидан.

Ҳатамов Холдор — Ленинград райони 96-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна бригадири, КПСС аъзоси, Ленинград райони, Фарғона область 431-Учкўприк сайлов округидан

Ҳаққулов Қойим Жалилович — Ўзбекистон Компартияси Қарши шаҳар комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Қарши шаҳри, Қашқадарё область 206-Қарши марказий сайлов округидан.

Ҳожиев Ғаний Нуриддинович — Ўзбекистон Компартияси Тўрткўл район комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Тўрткўл шаҳри, Қорақалпоғистон АССР 488-Тўрткўл қишлоқ сайлов округидан.

Ҳожиматов Аширмат — Паркент районидаги «Коммуна» совхозининг директори, КПСС аъзоси, Паркент райони, Тошкент область 105-Паркент сайлов округидан.

Ҳошимов Турғун — Республика яйлов-мелиоратив қурилиш бирлашмасига қарашли хўжаликлараро 482-ПМК бошлиғи, КПСС аъзоси, Наманган шаҳри, Наманган область 256-Свердлов сайлов округидан.

Ҳусанбоев Бахтиёр Давлатович — Ўзбекистон Компартияси Гулистон шаҳар комитетининг биринчи секретари, КПСС аъзоси, Гулистон шаҳри, Сирдарё область 390-Маданият сайлов округидан.

Ҳусанов Авазберди — Жарқўрғон районидаги Н. Боймуродов номли колхоз бригадири, КПСС аъзоси, Жарқўрғон райони, Сурхондарё область 345-Жарқўрғон сайлов округидан.

Ҳусинов Ташибой Жаббиевич — Қўшкўпир районидаги «Москва» колхозининг бригадири, Қўшкўпир райони, Қўшкўпир шаҳри, Хоразм область 457-Қўшкўпир сайлов округидан.

Ғаниев Мустафақул Воҳидович — халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси, КПСС аъзоси, Самарқанд райони, Самарқанд область 285-Сиёб сайлов округидан.

Ғафуров Сатторжон — 1 Май номли колхоз правлениесининг раиси, КПСС аъзоси, Чуст шаҳри, Наманган область 250-Чуст сайлов округидан.

Ғуломмаҳмудов Абдували Ғуломович — «Конструктор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳар 9-Ойбек сайлов округидан.

Ғуломов Саидаҳрор Саидаҳмедович — Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректори, КПСС аъзоси, Тошкент шаҳри, Тошкент шаҳар 55-Олмазор сайлов округидан.

(Давоми. Боши газетанинг 22 февраль сонида).

Кадрлар ўқуви

МИНИСТРЛАР УЧУН КУРС ОЧИЛДИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш республика тармоқлараро институтида 20 февраль куни республика министрларини ўқитиш группасида машғулотлар бошланди.

Мамлакат иқтисодиётини бошқаришни туб ислоҳ қилиш авж олган сари хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини қайта қуриш билан боғлиқ муаммолар тобора ўткир тус олмоқда. Ана шу хусусият мазкур курс ўқув программасида ҳисобга олинган.

Тингловчилар халқ хўжалиги комплексининг самарали фаолияти, униг доирасида айрим территориал бирликларнинг ўзаро алоқалари, хўжалик фаолиятида бир босқичдаги ташкилотлар алоқалари ролининг кучайиши шароитида иқтисодий меҳнат тақсимотига доир масалаларни ўрганадилар. Машғулотларда хўжалик ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари ва муаммолари, иқтисодиётнинг молия-кредит ва нарх воситалари, Ўзбекистонни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни планлаштириш ва ана шу ривожланишни бошқаришнинг ўзига хос жиҳатлари муҳокама қилинади.

Министрларга таълим бериш курсини очиш маросимида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков тингловчилар ҳузурида нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ҚОРОНҒУ ЙЎЛАКДАГИ НУР

Қаерга қараманг, қийинчилик, қаерга қараманг, тўсқинлик. Бирор муаммони ҳал этмоқчи бўлсанг, бошинг деворга тегади. Иттифоқ Советининг икки парламент комиссияси — транспорт, алоқа ва информатика масалалари ҳамда саноат, энергетика, техника ва технологияни ривожлантириш масалалари комиссияларининг қўшма мажлисида сўзга чиққан депутатлар ва таклиф этилганларнинг нутқларида ана шундай нохуш манзара намоён бўлди. Улар 21 февраль куни долзарб мавзуни: пассажир вагонлари техникавий ҳолатини яхшилаш ва пассажирлар ташишда аҳоли эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш мақсадида вагонлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирларини муҳокама қилдилар.

Бир қарашда тор доирадаги масала бўлиб кўринган бу масала амалда ҳар биримизга тааллуқли. Чунки ҳаммамиз темир йўлнинг доимий мижозларимиз. Ҳаётимиз жўшқинлиги тобора ортиб бораётганлиги сабабли тез-тез сафарга чиқиб турамиз. Сафар чоғида кўрсатиладиган хизмат сифати ижтимоий жиҳатдан ўзимизни яхши ҳис этишимизга сезиларли таъсир қилади.

Бу соҳадаги ишлар яхши эмаслиги жуда равшан. Нотиқлар аҳволни фавқулодда оғирлиғини айтиб, жон куйдириб, ўзаро мунозара қилмасликлари ҳам мумкин эди. Вагонлар танқис бўлиб турган пайтда, вагонсозлик қувватлари етарли бўлмаган, аллақачоноқ «ишдан чиққан» вагонлардан мажбурий равишда фойдаланаётган, темир йўл транспортининг техникавий базаси ожиз бўлган ва ҳатто қашшоқлашган бир пайтда айтилган гапларнинг ҳаммаси адолатлидир... Бундай камчиликлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Бироқ вазиятдан чиқиш йўллари ва усулларини аниқлаб олиш муҳимроқдир. Худди ана шу ерда мажлиснинг баъзи қатнашчилари ишларнинг аҳволини яхшилашдан астойдил манфаатдор бўлганлари ҳолда, улар мансаб доирасидан ташқари чиқа олмаганликларини, ҳисоб бериш билан овора бўлиб, жумладан, кўпинча ўзаро таъна ва эътирозлар билдириш билан чекланиб қолганликларини рўй-рост айтиш мумкин. Баъзи пайтда парламент мажлиси идораларда шошилинч ўтказиладиган йиғилишларга ўхшаб қолгандек туюлди.

Бинобарин, мажлисга муносиб баҳо берайлик: суҳбат асосий мавзуга қаратилди. Кенг кўламли программа зарурлиги, уни рўёбга чиқариш омиллари ҳақида гап борди.

Масалан, пассажирларни ташиш ўн учинчи беш йиллик давлат программасининг устун йўналишлари қаторига кириши керак бўлур эди. Планлаштиришнинг барчага баробар принципидан воз кечиш зарур. Марказлаштирилган капитал маблағларни ҳамма идораларга эмас, балки биринчи навбатда устун йўналишдаги программаларнинг қатнашчиларига берилиши, бу қатнашчилар доираси аниқ белгиланиши лозим. Бундан ташқари улар учун солиқ солиш, айтайлик банк кредити юзасидан турли имтиёзларнинг назарда тутилиши яхши бўлур эди. Ана ўшанда коллективлар программада қатнашиш ўзларига иқтисодий наф келтиришини ҳис қиладилар. Бу айниқса халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ўтказилган ҳарбий корхоналар учун долзарб бўлиб, мутахассис кадрларни сақлаб қолишга ёрдам беради.

Комиссия тақдим этилган амалий таклифлар асосида тавсиялар ишлаб чиқди. Мажлиснинг биринчи қисмида унинг қатнашчиларидан бири чора йўқлигини ҳис этаётганлигидан нолиган бўлса, охир оқибатда ҳамма темир йўл йўлагида ниҳоят нур кўринаяпти, деган хулосага келди.

Мажлисда СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Е. М. Примаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. С. Силаев, СССР Темир йўллар министрлигининг, бошқа бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

В. БЕЗБРЕЖНИЙ,
ТАССнинг парламентдаги мухбири.
МОСКВА.

СССР—умумий хонадонимиз

ҚАРДОШЛИК БОҒИ БЎЛАДИ

Ўрта Осиё республикаларининг учта қўшни области — Фарғона, Ленинобод ва Ўш областларининг меҳнаткашлари иқтисодий ва ижтимоий муаммоларининг ҳал этилишини тезлаштиришдек умумий манфаатлар билан яшамоқдалар. Регионни унумли ривожлантириш юзасидан биргаликда қилинадиган ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш учун Фарғонада шу областлар партия ва совет органларининг раҳбарлари учрашдилар.

Область партия комитетларининг биринчи секретарлари ва область ижроия комитетларининг раислари ўзаро манфаатли бўлган кўпгина масалаларни муҳокама қилдилар.

Хусусан регионда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг маданиятини, анъаналари ва тилларини тенг асосда ривожлантиришни таъминлаш, меҳнаткашларнинг анъанавий ҳамда янги шаклдаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга бўлган интилишини ҳар томонлама рағбатлантириш зарурлиги таъкидланди.

Учрашувда Душанбеда вужудга келган вазият муносабати билан жиддий ташвиш билдирилди. Регионда шунга ўхшаш ҳодисаларнинг олдини олиш учун биргаликда келишиб амалий ҳаракат қилиш зарурлиги айтилди.

Шу йил баҳорида, «Наврўз» халқ байрами кунида уч область чегараси туташган ерда «Дўстлик боғи» барпо этишга қарор қилинди.

Бундай учрашувлар энди мунтазам ўтказиб турилади.

(ЎзТАГ мухбири).

Дунё овози

М. С. Горбачевнинг ГФРга ташрифи ҳақидаги китоб

БОННН, 21 февраль. (ТАСС мухбири). «Горбачев бизнинг ҳузуримизда» — Ғарбий Германиядаги «Браус» нашриёти рус тилида чиқарган китоб шундай деб аталади.

Ушбу китобда М. С. Горбачевнинг Совет Иттифоқи билан Федератив Республика ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очган 1989 йил июнь ойида ГФРга расмий ташрифи ҳақида ҳикоя қилинади. Ўнлаб рангли фотосуратлар ушбу воқеанинг асосий жиҳатларини акс эттирган. Расмлар билан бирга совет раҳбари ҳамда Ғарбий Германия арбобларининг, оддий немисларнинг фикрлари, шунингдек иккала мамлакат ҳамкорлигининг сифат жиҳатидан янги босқичига асос солган СССР ва ГФР қўшма баёнотининг матни ҳам берилган. Ушбу китоб бундан аввалроқ немис тилида босилиб, Франкфурт-Майндаги китоб ярмаркасига қўйилган эди.

Ғарбий Германия жамоатчилиги Ж. Кеннеди ва Де Голлдан кейин хорижий давлат арбобларидан бирортасини совет раҳбарини қаршилагандек бундай тантана билан кутиб олмаганди, дейилади китобга ёзилган муқаддимада.

Китобнинг немисча нашри ГФР жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Унинг янги нашри рус китобхонларига мўлжалланган.

Владимир СЕРОВ.

БАРЧА ХАЛҚЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИ ВА ТУЙҒУЛАРИ ҲУРМАТ ҚИЛИНСИН

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевнинг «Правда» мухбирининг Германияни бирлаштириш муаммоларига доир саволларига берган жавоблари чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг шарҳланмоқда. Улар Совет Иттифоқи икки герман давлатини яқинлаштиришни ёқлаш билан бир вақтда бирлаштириш жараёни умумевропа жараёни билан, ана шу жараёнинг бош йўли — блоклар ўрнини эгаллайдиган Европа хавфсизлигининг мутлақо янги структурасини шакллантириш жараёни билан узвий боғлиқ ва мувофиқ бўлишини қатъий талаб қилмоқда, деб таъкидламоқдалар.

БЕРЛИН

М. С. Горбачевнинг фикрлари ГДР матбуотининг диққат марказида турибди. Пойтахтда чиқадиган «Берлинер Цайтунг» газетаси биринчи саҳифасида «Немисларнинг бирлашиш ҳуқуқи тасдиқланди» сарлавҳаси остида совет раҳбарининг «Правда» мухбири саволларига берган жавоблари тўғрисида хабар қилади. «М. С. Горбачев: Чегаралар дахлсизлигича қолиши керак», деб ёзади газета кичик сарлавҳасида. Газета икки герман давлатининг яқинлашиш жараёни ва ана шу жараённинг барча жиҳатларини изчиллик билан муҳокама қилиш зарурлиги учун энг аввало СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция масъулдир, деб таъкидлайди.

БОННН

Совет раҳбари Германия масаласини ҳозирги замон халқаро сиёсатидаги асосий масалалардан бири деб атади, деб таъкидлади ГФР телевидениеси янгиликлар программасини олиб борувчи ходими. М. С. Горбачев ушбу масала фақат немисларга тааллуқли эмаслигини уқтириб, иккинчи жаҳон уруши натижасида таркиб топган чегараларнинг ўзгармаслигини, шунингдек Европадаги мувозанатни сақлаб қолишни бирлашиш учун шарт қилиб қўйди.

ВАРШАВА

Польша газаталари М. С. Горбачевнинг «Правда» мухбири саволларига жавобларини кўзга кўринарли жойларда босиб чиқарди. Бу жавоблар «М. С. Горбачев Германиянинг бирлашуви тўғрисида: очиқчасига», «Польша чегараларининг дахлсизлиги» сарлавҳалари остида эълон қилинди. Барча газеталар совет раҳбарининг Польша ва бошқа давлатларнинг урушдан кейинги чегаралари ўзгармаслиги ҳақидаги фикрларини каттароқ харфлар билан босиб чиқдилар.

ПАРИЖ

Францияда чиқадиган «Юманите» газетаси М. С. Горбачевнинг Германияни бирлаштириш иккита халқаро ташкилот — НАТО билан Варшава Шартномаси ҳарбий стратегик мувозанатини бузишга йўл қўйиб бўлмаслигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак деган фикрига алоҳида эътиборни қаратади. Ана шу иккита ҳарбий-сиёсий иттифоқ ҳар ҳолда узоқ давр давомида Европадаги хавфсизликни таъминлаб турганлигини уқтиради.

(ТАСС).

Москва—Варшава автобус йўли

Ўтган йилнинг охиридан бошлаб Москва—Варшава автобус йўли очилган эди. Ҳозирги кунда ана шу маршрут бўйича машиналар қатъий жадвал асосида қатнамоқда. Варшавага боришни истаган ҳар бир йўловчи билетни телефон орқали буюриши мумкин. Бошқа ҳамма ишир-чикир ташвишларни Совет—Польша—Дания қўшма корхонасининг «Совполда» фирмаси бажаради. «Скания-113» маркали автобус мукаммал жиҳозланган бўлиб, йўловчилар учун бу ерда ҳамма шароит яратилган.

Совет Иттифоқидан Польшагача 1301 километр. Автобус юмшоқ креслолар ва видеомониторлар билан жиҳозланган. Бундан ташқари йўлдаги ресторанларнинг бирида йўловчиларга овқат ҳам берилади. Автобус масофани 18 соатда босиб ўтади. Билетлар 268-15-22 телефони орқали икки ҳафта олдин айтиб қўйилади. Билетнинг баҳоси 60 сўм.

ТАСС сурати.

Халқ иродаси

РЕДАКЦИЯМИЗ ЎТГАН 1989 ЙИЛДА МЕҲНАТКАШЛАРДАН 26 МИНГ 630 ТА ХАТ-ХАБАР ОЛДИ. ШУ ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ ОЙИ ИЧИДА ГАЗЕТХОНЛАРДАН 2800 ГА ЯҚИН ХАТ КЕЛДИ. УЛАРНИНГ КЎПЛАРИ ГАЗЕТА САҲИФАЛАРИДА ЁРИТИЛДИ. БИР ҚИСМИ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН ЖОЙЛАРДАГИ МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАРГА ЖЎНАТИЛИБ, КЎТАРИЛГАН МАСАЛАЛАРНИНГ ҲАЛ ЭТИЛИШИГА ЭРИШИЛДИ. БУГУНГИ «ХАЛҚ ИРОДАСИ» УМУМИЙ САРЛАВҲАСИ ОСТИДА БЕРИЛАЁТГАН САҲИФАДА ГАЗЕТХОНЛАР РЕДАКЦИЯГА ЙЎЛЛАГАН ЖАМИЯТИМИЗДА СОДИР БЎЛАЁТГАН ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР, ОДАМЛАРНИ ШОДЛАНТИРАЁТГАН ЮТУҚ ВА ТАЖРИБАЛАР, ЭЗГУ ИШЛАР, ТАШВИШЛАНТИРАЁТГАН МУАММОЛАР, АЙРИМ МАСАЛАЛАР ЁРИТИЛМОҚДА.

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИДА

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясининг жамоатчилик қабулхонаси. Бу ерга ҳар куни ўнлаб одамлар ташриф буюришади. Меҳнаткашларнинг дардини тинглаш, керакли маслаҳатлар бериш, турли идора ва ташкилотларга мурожаат этиб, масаланинг кўнгилдагидек ҳал этилишида ёрдам кўрсатиш уларнинг зиммасида.

Редакция жонкуярлари — жамоатчилик қабулхонаси фаолларининг ҳар бири билимдон, тажрибали қаламкаш сифатида элимизда обрў топганлар. Тўлқин Рустамов, Комила Юмаева, Абдуфаттоҳ Набихўжаевларни республикамизнинг турли бурчакларида жуда яхши танишади. Уларнинг чиқишларини газетхонлар доимо самимий кутиб олишади. Ҳуқуқшунос Кабир Комиловнинг меҳнаткашлар саволларига бераётган қониқарли жавобларини жам қилсак, бир неча қалин дафтар тўлиб кетади.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими мухбири Марфуа Абдуқодирова редакцияда 33 йилдан буён ишлаяпти. У меҳнаткашлар вакиллари билан чин дилдан суҳбатлашади.

Суратда: (чапдан ўнгга) Тўлқин Рустамов, Комила Юмаева, Кабир Комилов, Марфуа Абдуқодирова, Абдуфаттоҳ Набихўжаевлар ўзаро мулоқотда.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

• *Муаммолар* •

МУХБИРНИ НЕГА АЛДАШДИ?

Мен Амударё районининг марказида яшайман. Бир дам олиш куни дугонамни кўриш учун райондаги «Манғит» совхозининг Большевик бўлимига бордим. Қарасам, дугонам қалин кийиниб, кўрпача кўтариб қаергадир кетяпти. Ҳа, йўл бўлсин десам:

— Эй, дугонажон, клубимизга янги ҳинд киноси келибди. Шуни кўргани боряпман, — деб жавоб қилди. — Кўрпачани оёғимизга ўраб ўтирамиз. 2—2,5 соат совуқ жойда ўтиришнинг ўзи бўлмайди.

Клубга бирга жўнадик. Ичкарида киномеханиклар қалин кийиниб, бош кийимлари боғичини боғлаб олишган. Бир оёғи билан иккинчи оёғини тепиб туришибди. Киномеханиклардан Мурод Жуманиёзов, Ҳакимбой Луқмонов ҳамда кассир Бахтиёр Йўлдошев билан гаплашдим.

— Томошабинлар кўп келишадими?

— Яхши кино бўлса, 20—30 одам йиғилади.

Эшитишимча, Ўзбекистон телевидениеси мухбирлари яқинда шу хўжаликда бўлишган. Уларга ҳаммом, водопроводни кўрсатишибди-ю, лекин клубга олиб боришмабди. Нега шундай қилишганига мен дугонам билан бу ерда бўлганимда тушундим.

Т. МАТЕҚУБОВА.

ГАП ДЕСА ҚОП-ҚОП...

Биз Деҳқонобод районидаги Ҳамид Олимжон номли совхозда истиқомат қиламиз. Қишлоғимиз қўшни «Кўкбулоқ» совхози марказидан 15 километр узоқда жойлашган бўлиб, йўлларимиз қийғир-қийшиқ, ўнқир-чўнқир.

Агар қиш ва баҳорда бирор иш билан қўшни совхозга борадиган бўлсак, пиёда юришга тўғри келади. Чунки бу йўлдан трактордан бошқа техника юра олмайди. Наҳотки икки совхоз ўртасидаги 15 километрли йўлга тошшағал тўкиш шунчалик қийин бўлса. Ҳозир қаерга борсанг, «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган шиорларга дуч келамиз. Лекин районимиз раҳбарлари инсонга шундай беэътиборлик қилишяпти. Қишлоқ аҳли бу азобдан қутилишга ёрдам беришни сўраб район партия, совет ташкилотларига мурожаат қилди. Лекин бирон натижа чиқмади.

Б. РАҲМОНОВ.

ҚУЛОҚ СОЛИНГ

Биз Самарқанд областининг Советобод районидаги «Улус» совхозига қарашли «Тинчлик» қишлоғида истиқомат қиламиз. Ҳар биримизнинг 10—13 тадан боламиз бор.

Кейинги пайтларда партия ҳукуматимизнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кўп болали оналарга турли шарт-шароитларни яратиб бериш соҳасидаги фаолияти бизни мамнун этмоқда. Бироқ жойлардаги айрим мутасадди раҳбарларнинг лоқайдлиги туфайли қабул қилинаётган кўплаб яхши қарорлар ўз ижросини топмаяпти. Натижада меҳнаткашлар орасида партия ва ҳукуматнинг эзгу ишларига баъзан ишончсизлик туғилмоқда.

Узоққа бормай хўжалигимиздаги ишлар мисолида буни исботлашимиз мумкин. Масалан, ҳозир ҳамма ерда бир ёшгача бўлган болаларга бепул дори-дармон бериш ва витаминли овқатлар билан таъминлаш йўлга қўйилган. Аммо биз бундан ҳали баҳраманд бўлганимизча йўқ. Қишлоғимизда беморларга, хусусан болаларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўнгилдагидек эмас. Кўпинча қишда ёки жазирама иссиқда болаларимизни район марказидаги шифохоналарга олиб борамиз. Чунки қишлоғимизда шароит йўқ.

С. НАЗАРОВА,
Қаҳрамон она ва яна беш имзо.

• *Фикрлар* •

ҚАЧОН ҲАЛ БЎЛАДИ?

Республика партия ва ҳукуматининг дастурини ўқиб, айниқса томорқалар ажратилиши ҳақидаги гаплардан кейин қишлоқда яшовчиларнинг боши осмонга етганди. Лекин бу хайрли иш, айниқса, Марҳамат районидаги «Комсомол 60 йиллиги» совхозига ҳали етиб келганича йўқ.

Чунки шу кунгача берилаётган олти ёки саккиз сотих ернинг камида учдан икки қисмини турли хил иморатлар эгаллайди. Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак, — деганларидай одамга ҳам уй-жойидан ташқари қўшимча: молхона, товуқхона, ўтинхона, тандирхона каби ёрдамчи хоналар керак бўлади.

Агар колхозчига янги дастур бўйича ер бериладиган бўлса, у ўз оиласидан ортириб, бозорга турли хил маҳсулот сотишдай асосий мақсадига эришган бўларди.

Бундан ташқари раҳбарлар пилла мавсумини ҳам кўз олдиларига келтиришларини истардик. Шу даврда бечора колхозчи уйининг ҳаммасини пилла қуртига бўшатиб бериб ўзи ҳовлида ётади.

Қанийди, мана шу ёзганларимиз сабаб бўлиб, биз томонларда ҳам қайта қуриш шабадаси эсса. Томорқаларимиз кенгайса, турмуш шароитимиз яхшиланса. Ана шундагина партия ва ҳукуматимиз бу хайрли ишларни халқ фаровонлигини ўйлаб қилаётганлигига шубҳа қолмасди.

У. БОЗОРБОЕВ.

ҲАЁ-ИБОДА ҲИКМАТ КЎП

Ҳурматли редакция! Ушбу хатни Уйчи район Чуртук қишлоғида истиқомат қилувчи кўпчилик пенсионер, уруш ва меҳнат ветеранлари номидан, деб билгайсиз.

Демократия, ошкоралик аслида халқнинг жон дили экани ҳаммага маълум. Лекин, бизнингча, уни суиистеъмол қилиш ҳам керак эмас.

Масалан, жамиятимизда жиноятчиликнинг кескин ўсиши. айниқса уюшган ёшлар жиноятининг кўпайиши сезиляпти. Бунга айрим матбуот нашрлари, радио, телевидение ҳам анча-мунча ҳисса қўшяпти. Чунончи, баъзи матбуот нашрлари ярим ёки қип-ялангоч эркак-аёл суратларини чоп этишади. Ялангоч, ярим ялангоч кўрсатувлар ёки шовқин-суронли ашула ва рақсларнинг кимга кераги бор? «Интерқиз», «Кунларнинг бирида Америкада», «Кичкина Вера» каби кинофильмларнинг ҳаёсизлигини айтмайсизми? Бемаза қовуннинг уруғидай кўпайиб кетган видеосалон ва унда қиммат нархда кўрсатилаётган ахлоқсиз видеотомошалар кишини ажаблантиради. Бундай «санъат»нинг боридан йўғи яхши. Қолаверса, бундай беодоблик ва андишасизлик ёшлар тарбиясини яхшилашга хизмат қилмайди.

Истардикки, буларнинг ўрнига ҳақиқий ўзбек халқ классик музикалари тикланса, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби қизиқарли миллий кинолар, шунингдек халқ театрларининг ажойиб саҳна асарлари қайта қўйилса, хайрли иш бўларди. Шунда болалар тарбияси ҳам бирмунча яхшиланарди. Ҳар нарса бўлганда ҳам ҳаёни унутмаслигимиз керак.

Бир гуруҳ оқсоқоллар номидан
А. ЙЎЛДОШЕВ.

ЎЗ ҲИСОБИМИЗДАН

Қарийб ўттиз-қирқ йилдан буён қурт боқиб келамиз. Бироқ қурт боқишнинг ҳаммаси ўз ҳисобимиздан бўлмоқда. Қандай, деб сўрарсиз. Аввало, тут баргини ўз томорқамизда етиштирамиз. Қолаверса, қуртга даста келтириб, уйни иситиш учун кетадиган сарф-харажат, ўтин, кўмир, электр энергияси ҳам ўз ҳамёнимиздан. Бунинг устига беш-олти хонамизни қуртга бўшатиб, пилла мавсуми тугагач, уларни қайта ремонт қилишга киришамиз.

Булар ҳам майли. Энди иш ҳақини олишимизга келганда совхозимиз ундан қирқ фоиз ва ҳатто кўпроғини ушлаб қолади. Хўжалик маъмуриятидан: «Нега бундай қиляпсизлар?» — деб сўрасангиз, «Қуртнинг уруғини биз беряпмиз-ку!» дейишади. Бизнинг фикримизча, ўз чўнтагимиздан қилинган харажатлар, албатта, ҳисобга олиниши керак.

У. ТУРҒУНОВ,
Бўстонлик районидаги «Нанай» қишлоғи.

ХУШХАБАРЛАР

● **БУНЕДКОРЛИК**

ЙЎЛДОШ ШАҲАРЧА

✦ Аҳолининг турар жойларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида Марғилонда хайрли ишга қўл урилди.

Фарғона районидаги Усмон Юсупов номли совхознинг «Прогресс» бўлимидан 500 гектарли ер ажратилди. Бу ерда Марғилон шаҳрининг йўлдош шаҳарчасини бунёд этишга киришилди. Шаҳарчада мактабгача болалар муассасалари, саноат моллари ва озиқ-овқат магазинлари, кинотеатр, ошхоналар, ҳаммом ва хусусий уйлар қурилади. Уй-жойлар қуриш учун майдонлар ажратиб бериш бошланди. Бўлажак шаҳарча аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида Марғилонгача автобус қатновини йўлга қўйиш, шунингдек, қурилиш материаллари магазини очиш кўзда тутилган.

● **ИБРАТ**

БАЙРАМГА ТУҲФА

◆ Фарғона ипакчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-пиллакашлик цехида қарийб йигирма йилдан бери меҳнат қилаётган Мақсуда Усмонова касбдошлари ўртасида ибрат кўрсатди.

У нормадаги 30 ўрнига 60 урчуққа хизмат қилиб, ойлик ва йиллик топшириқларини ошириб адо этаётир. М. Усмонова беш йиллик бошидан бери 8014 килограмм сифатли ҳом ипак ишлаб чиқариб, ҳозир 1991 йилнинг февраль ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. У квартал планини Халқаро хотин-қизлар байрами — 8 Март кунигача бажаришга аҳд қилган.

М. МАҲМУДОВ.

УРУШ ЙИЛЛАРИНИНГ БОЛАЛАРИМИЗ

Меҳнаткашларга пенсия таъминоти ҳақидаги Қонун лойиҳасини ўқиб, баъзи фикр-мулоҳазаларга бордим. Чунончи, Қонун лойиҳасига қуйидаги таклифларнинг киритилишини истардим. Айтайлик, 1932—1946 йилларда туғилган СССР гражданларининг пенсияга чиқишларини яна беш йилга камайтириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Меҳнат стажи 30 йилдан кам бўлмаган ва пенсияга чиққандан кейин ҳам меҳнат фаолиятини давом эттираётган эркакларни 55 ёшдан ҳужжатлар расмийлаштириши кўпчиликка маъқул келса керак. Хотин-қизлар эса 25 йиллик меҳнат стажлари билан 50 ёшдан худди шундай имтиёзлардан фойдаланса ёмон бўлмасди. Яна қамалда қолганларнинг бошдан кечирганлари ҳаммамизга аён-ку. 8-10 ёшли болалар заводларда фронт учун маҳсулот тайёрлашгани сир эмас? Бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керак.

М. ТЕМИРОВ,
Фарғона районидаги Аввал қишлоқ Совети.

Иложи бўлса тартиб бузилмаса

Узоқ умр кўрсада, ҳали бардам ва тетик юрган бир қариядан қандай қилиб бундай кўп яшадингиз, деб сўраганларида:

— Мен доимо белгиланган вақтда меҳнат қиламан, овқатланаман ва дам оламан. Иложи борича бу тартибни бузмасликка ҳаракат қиламан, деб жавоб берган экан.

Мен врачман. Режимга риоя қилиш инсоннинг соғлом юришига қанчалик фойдали эканлигини яхши биламан. Лекин кейинги пайтларда қўлланилаётган бир тадбир бунга тўғоноқ бўлмоқда.

Маълумки, сўнгги йилларда Иттифоқимизнинг кўпчилик ерларида бўлгани каби Узбекистонда ҳам баҳорда соат стрелкаси бир соат орқага сурилади. Кузда эса бир соат олдинга сурилади. Айрим олимлар бунн иқтисодиётимиз учун фойдали, деб исботлашга уринишмоқда.

Республикамиз шароитида бу унчалик тўғри эмас. Чунки бизда кеча ва кундуз орасидаги фарқ мутаносиб равишда ўзгариб туради. Лекин одамлар организмидаги ўзгариш, янги шароитга кўникиш жараёнидаги маънавий, жисмоний ва руҳий ноқулайликлар-чи! Буларнинг инсон организмига салбий таъсирини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Шундай экан, мен врач сифатида энди соат стрелкаси суриб қўйилмаса, дейман.

Ш. ШАРАФУТДИНОВ.

• *Саховатпешалар* •

Тўққиз фарзанднинг отаси Тожи ака Ашуров бундан беш йил илгари ўз оила аъзолари билан 300 сўм пулни тинчлик фонди ҳисобига ўтказганди. Ушанда вилоят бўйича тинчлик фондига ўтказилган пул 373 минг сўмдан ошиб кетганди.

— Ўзим етим ўсганман. Уруш йилларида болалар уйида тарбияланганман, — дейди Тожи ака. — Тинчликка бўлган эътиқодим ўша оловли йиллардаёқ пайдо бўлганди. Шу боис биз ҳар йили тинчлик ишини мустаҳкамлашга озми-кўпми ҳиссамизни қўшиб келяпмиз.

— Тожи ака меҳнаткаш одам, — дейди совхоз партия комитети котиби Жўра Абдураҳимов. — Пахта терими бошланди дегунча у оиласи билан далага кўчиб чиқади. Ҳалол меҳнатидан топган бир қисм маблағини хайри-эҳсон йўлида аямайди.

Зарбдор қишлоқ Советининг депутати сифатида Тожи Ашуров қайловчилар наказини бажаришда— қишлоқ йўлларини тартибга келтириш, асфальтлаш, водопровод қувурлари ўтказиш каби ишларда фаоллик кўрсатди. Яқинда Тожи аканинг елиб-югуриши туфайли 60 ўринли туғуруқхона қурилиши бошланди.

Тожи ака жамоат ишларида фаол қатнашади. Совхоз хўшёрлик жамияти раиси, касаба союз, халқ контроли комитетларининг аъзоси.

— Бу оилани ҳамма ҳурмат қилади, — дейди болалар боғчасининг мудираси Рухсат Иброҳимова. —Тожи ака Ашуров совхозимиздаги Тинчлик фондига кўмаклашувчи комиссиянинг тадбирларида одамларга дунёда тинчликни сақлаш, қуролсизланиш, Совет тинчлик фонди маблағи ва у қандай мақсадларга сарфланиши каби масалалар ўз аксини топган. Ҳар йили совхоз меҳнат аҳли мингбир ярим минг сўм пулни Совет тинчлик фонди ҳисобига ўтказмоқда.

Миллионлар сафида Тожи Ашуровлар оиласининг ҳам тутган ўрни, эътибори бор. Аҳил оила ҳозиргача Совет тинчлик фондига минг сўмдан ортиқ пул ўтказди. Бу йил оила ўз жамғармасидан 500 сўм пулни тинчлик иши учун ҳадя этишга аҳд қилди.

Ҳ. ҚИЕМОВ.

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясига. Алимов номидаги илмий-тадқиқот институтида даволанаётган беморларга бизнинг совғамиз — бешта радиоприёмник ва китобларни топширишингизни илтимос қиламиз.

Тошкент область Оржоникидзе райони Селекция кўчаси 1/2-уй, 27-квартира. Шадринлар оиласи».

Шадринларнинг уйини топиш қийинчилик туғдирмади. Сабаби бу ерда яшовчи ёшқари барча ушбу оилани яхши билар экан.

ДАВРИМИЗ ҲОТАМТОЙЛАРИ

отам биз билан бирга яшайди. Касалликдан инвалид бўлиб қолдим. Аммо тиричилик мақсадида «Зангори экран» устахонасига ишга киришга ҳадя қилгани ҳақида хабар қилинганди. «Тошкент ҳақиқати» газетасидаги хабардан эса Бўка районидаги «Ленинизм» колхози сувчиси Ғайрат Ғаниев, Оққўрғон районидаги Ҳ. Олимжон номли колхоз аъзоси Т. Раҳимбердиевлар Шадрин саховатидан баҳраманд бўлганларини билдик.

— Айрим касалхоналарда бир неча ойлаб, баъзан эса йиллаб ётадиган беморлар бўлади. Уларга мурувват кўрсатишни ҳам биз инсоний бурчимиз, деб биламиз. Шу боис сизларни ташвишга қўйдик. У шундай дея 5 та радиоприёмник, бир нечта китобни стол устига қўйди.

Биз Н. Шадрин совғасини бош врач А. Убайдуллаев, бўлим бошлиғи П. Назаров, институт касаба союзи раиси Ўринбосари Г. Якунина иштирокида беморларга топширдик. Биз ҳам улар фикрига қўшилдик. Зеро меҳр-оқибат, шафқат, ҳамдардлик бор ерда мурувват, аҳиллик, биродарлик қарор топади.

Д. АЮПОВА.

• *Редакцияга мурожаат* •

ЭЪТИБОРСИЗЛИК

Ҳурматли редакция! Мен ўзим гувоҳ бўлган воқеа туфайли Каттақўрғон районидаги «Ленинский путь» колхози раҳбарларига мурожаат этишни лозим кўрдим. Воқеа бундай бўлган эди: Кубанлик ёзувчи, болалар фонди ўлка комитетининг раиси Ю. Сальников билан учрашув чоғида менинг ёнимда оддий қишлоқ аёли Лидия Ивановна ҳам бор эди. У ёзувчига кўзларида ёш билан қуйидагиларни гапириб берди:

— Мен билан бирга хусусий квартирада — ҳеч қандай қулайликлари йўқ жойда яшаб, «Горячий ключ» санаторийсида 12 боланинг онаси, деҳқон Ҳалима Насимова ҳам даволанди. Ана шу Қаҳрамон онага қулай шарт-шароитлар яратиб беришингизни сўрайман

Ю. Сальниковнинг ёрдами билан Ҳалима Насимова Иттифоқ аҳамиятидаги «Предгорье Кавказа» санаторийсига ўтказилди. У ерда Ҳалимага зудлик билан медицина ёрдами кўрсатишга тўғри келди. Чунки унинг ошқозонидаги яра очилиб кетган экан.

Медицина ходимларининг ва врачларнинг ғайратлари туфайли беморнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Яхшиямки у ўша пайтда санаторийда бўлган. Агар Ҳ. Насимова ҳеч қандай қулайликлари бўлмаган илгариги жойда яшаганда-чи? Мен кўп болали ўзбек аёлининг жонига аро кирган кубанлик аёл Лидия Ивановнага раҳмат айтгим келади. Шу билан бирга Ҳ. Насимова ишлаётган колхоз раҳбарларига ҳам айтадиган гапларим бор:

— Наҳотки, шунча болани тарбиялаётган, колхозда фидокорона меҳнат қилаётган, жамоатчи сифатида халқ хизмати йўлида куч-қувватини аямаётган аёлга жойида имконият яратиб берилса бўлмасмиди?! Биз кўпинча меҳр-шафқат тўғрисида гапирамиз-у, кўз олдимизда бирор нарсага муҳтож бўлганларга эътиборсизлик билан қараймиз. Мен ўйлайманки, шу мактубни ўқиган хўжалик раҳбарлари Ҳалима Насимовадан меҳрларини аямайдилар.

А. ОБУХОВ,
Краснодар шаҳри.

• БУГУН—СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ—ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИ

ЖАСОРАТНОМА

СССР мудофаа министрининг БУЙРУҒИ

1990 йил 23 февраль № 55 Москва шаҳри

Солдат ва матрос, сержант ва старшина, прапоршчик ва мичман, офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Уруш, меҳнат ва СССР Қуролли Кучларининг ветеранлари, ўртоқлар!

Совет халқи ва унинг жангчилари бугун Совет Армияси ҳамда Ҳарбий-Денгиз Флотининг 72 йиллигини байрам қилмоқдалар.

Бу байрам сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳалардаги чуқур ўзгаришлар, совет жамиятининг бутун турмуши янгиланаётган мамлакатимиз учун масъулиятли даврда нишонланмоқда. Социализм ўзининг чинакам халқчил ва инсонпарвар қиёфасига қайта эришмоқда.

Халқаро муносабатларда янгича сиёсий фикрлаш ғоялари изчил қарор топаётганлиги натижасида мухолифлик, ишончсизлик ва шубҳа ўрнини ҳамжиҳатлик ва мулоқот эгалламоқда. Музокара жараёнлари ривожланиб, хавфсизлик мустаҳкамланмоқда. Бироқ, жаҳондаги ижобий ўзгаришлар ҳозирча муқаррар тус олмади. Агрессия манбалари тугатилмади. Уруш хавфи камайди, аммо ҳали тугатилмади.

СССР Қуролли Кучлари бутун жамият билан биргаликда қайта қуришни амалга оширa бориб, совет давлатининг хавфсизлигини мустаҳкам гарантияламоқда. Армия ва флот жангчилари ўзларининг ватанпарварлик ва Конституцион бурчини юксак масъулият билан адо этмоқдалар. Улар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурини маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар, айирмачилик, миллатчилик, экстремизм кўринишларини қоралаб, коммунистик идеалларни қадрсизлантиришга, совет ҳарбий тарихини сохталаштиришга уринишларга қатъиян қарши чиқмоқдалар.

Армия ва флотда демократиялаш, маънавий муҳитни соғломлаштириш, ҳарбий хизматчилар ва улар оилалари аъзоларининг социал ҳимояланишини кучайтириш жараёнлари кенг авж олдирилди. СССР Қуролли Кучлари мудофаа ҳарбий доктринасига тўла мувофиқ тарзда тузилмоқда ва тайёрланмоқда.

Мана шу байрам кунида армия ва флот шахсий составига жанговар меҳнатда, жанговар тайёргарликни янада такомиллаштиришда, ҳарбий интизом, ҳуқуқ-тартибот ва уюшқоқликни мустаҳкамлашда муваффақиятлар тилайман.

Уруш ва меҳнат, СССР Қуролли Кучлари ветеранларига, барча меҳнаткашларга сиҳатсаломатлик, улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қудратини мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида кучларни бирлаштиришни тилайман.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 72 йиллигини нишонлаш юзасидан **буюраман:**

Бугун, 1990 йил 23 февралда, маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти — Қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, Қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула, Смоленск, Мурманск ва Қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида байрам мушакбозлиги ўтказилсин.

СССР Мудофаа министри армия генерали Д. ЯЗОВ.

Умумхалқ байрами — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунини республикамиз меҳнаткашлари, мактаб ўқувчилари, ўқув юртлари талабалари кенг нишонлаши анъанага айланган. Ана шу куни уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказилади. Ветеранлар, жамоатчилик вакиллари жангчилар ҳузурида бўлиб, уларни шонли байрам муносабати билан муборакбод этадилар.

Суратларда: (юқорида) Сирдарё районидаги «Малик» совхозида яшовчи Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Е. Саъдуллаев, И. Бунеев, А. Юнусов ўртоқлар мактаб ўқувчилари даврасида.

Пастда эса ўзбекистонлик Н-қисм жангчилари.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ суратлари.

ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Чилонзор районидаги Тинчлик маҳалласи чойхонаси қаршисида мўъжазгина ҳиёбон бор. Яқинда ана шу гўшада тинчликликлар Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган ҳаммаҳаллалари хотирасини улуғлаш учун тўпландилар. Шу ерда туғилиб ўсган, немис-фашист босқинчиларига қарши курашда кўрсатган мардлик ва жасорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан шарафланган Ислом Усмоновга бюст ўрнатиш ва ҳалок бўлган 80 нафар маҳалладошларга ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш тантанаси бўлиб ўтди.

Маҳалла аҳли, Ленин номли 200-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, шунингдек, қўшни маҳалла-қуйлар, район ташкилотларидан вакиллар қатнашган бу йиғинда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ислом Усмоновнинг Днепр дарёсини кечиб ўтишдаги жасорати, маҳалла ўғлонларининг урушда қозонилган ғалабага қўшган ҳиссалари ҳақида гаплар айтилди. Маҳалла фаолларидан Зокирбек Худоёров, Самад ака Жалилов, қаҳрамоннинг жияни, оддий ишчи Йўлдош Аҳмедов, район ҳарбий комиссари Абдулла Қосимов ва бошқалар ўз хотираларини ўртоқлашдилар.

А. АҲМАДАЛИЕВ.

Тошкент шаҳридаги Тинчлик маҳалла комитети раисининг ўринбосари.

• Биз—байналмилалчилармиз

МУЗЕЙНИНГ НОМИ—«ДЎСТЛИК»

Биз мамлакатимиз тарихида ёркин из қолдирган саналарни, улуғ кишиларнинг таваллуд кунларини нишонлашга одатланиб қолганмиз. Бундан бир неча кун бурун Хивадаги 79-автобаза коллективида ўтказилган юбилей кечаси бу анъанага бироз ўзгартириш киритди. Бу ерда оддий ҳайдовчи Жуманиёз Эгамовнинг туғилган куни ўзига ҳос байрамга айланиб кетди.

Жуманиёз Эгамов ким? У Улуғ Ватан урушида қатнашган ва пенсияга чиққунга қадар мана шу корхонада меҳнат қилган инсон.

Гап шундаки, ота ҳалол ва фаол ишлаши билан бирга қуролдошлари хотирасини абадийлаштириш, дўстликни ардоқлаш йўлида беминнат хизмат қилиб келяпти. Фикримизга далил сифатида бир нечта фактни келтириш кифоя. Эгамов ўз уйида солдат дўстлиги музейи ташкил қилди. Ҳозир унда 3 мингдан ортиқ турли хилдаги ҳужжат ва сурат тўпланган. Энг муҳими улар остида минглаб инсонларнинг тақдири бор. Ўз навбатида ҳар бир материал осонлик билан йиғилмаганлиги таъкидлаш жоиз. Уларга отанинг узоқ йиллик меҳнати сингган, ўз ҳисобидан урушда иштирок этган шаҳарларга борган, архивларда ойлаб ўтириб, зарур ҳужжатни топгунча вақтини, кўз нурини сарф қилган. Натижада кўплаб қуролдошларининг изларини излаб топди. Қариндош уруғларга сўзлаб берди, қабрларини зиёрат қилиш, хотираларини абадийлаштириш учун имконият туғдирди. Шу боис унинг уйи кўпинча турли тилда сўзлашаётган меҳмонлар, мактаб ўқувчилари ташриф буюриб турадиган қадрли даргоҳга айланиб қолган.

Беминнат хизматни доим эл ўзининг ҳурмати ва эътибори билан қайтариб келган. Ҳозирги пайтда Жуманиёз Эгамов Чехословакиядаги Иванчице шаҳри, Украинадаги Киверевск районы, Озарбайжондаги Оғдам район Оржоникидзе номли, Арманистондаги Толин район Фрунзе номли ҳамда республикамиздаги бир қатор коллективларнинг фахрий граждани ҳисобланади.

Тўйда отанинг камтарлиги, софдиллиги ва бошқа фазилати хусусида кўп самимий фикрлар, тилаклар билдирилди.

Жуманиёз Эгамов айни чоғда яна эзгу ташвишлар билан банд. Фрунзе номли колхоздаги ҳовлисининг бир қисмида музей қурдиряпти. Айрим сабаблар, баъзи раҳбарларнинг масъулиятсизлиги туфайли бу хайрли иш бироз чўзилиб кетди. Ҳар қалай уларга ҳам инсоф керак, савобли ишни тезроқ битиришга ҳаракат қилишар. Жуманиёз отанинг нияти холис, тез орада бу музей ишга тушиб эзгулик, дўстлик учун хизмат қилади деб ўйлайди.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Гвардиячи Ҳасановни танийсизми?»

Ушбу сарлавҳа остида газетанинг ўтган йил 5 декабрь сонида эълон қилинган журналист М. Самадовнинг мақоласини ўқиб чиқдик. Мақола қаҳрамони Синдор Ҳасанов бизнинг Иштихон район Фрунзе номли колхознинг Картепа қишлоғида яшайди.

Мақола чиққач, мактабимиздаги «Ўлкашунослик» тўгараги аъзолари унинг раҳбари Ш. Усмонова билан биргаликда Синдор ота хонадонида бўлишди. Уни мақола билан таништирдик.

«1932 йилларда юз берган очарчилик бизни Каттақўрғон томонларга боришга мажбур этди. Урушга ҳам ўша ердан жўнадим. Шунинг учун ҳам жанг майдонида бўлган воқеалар ҳикоя қилинган мақолаларда ҳам менинг каттақўрғонлик деб ёзишган», — деди отахон.

Биз мақолага қўшимча қилиб, шуни маълум қиламизки, Синдор ота Ҳасанов Днепр дарёси кечувида ҳам қатнашган. Кейинчалик Одер дарёси бўйларидаги жангларда қаттиқ яраланган ва даволаниш учун Москва область Пушкин районидаги ҳарбий госпиталга жўнатилган. Кейинчалик ўз она юртига онасининг бағрига эсонмон қайтиб келиб, Фрунзе номли колхозда раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Ҳозир отахон пенсияда.

Ҳ. НЕЪМАТОВ,
Э. ҚОСИМОВ,
Иштихон район 20-мактабининг «Ўлкашунослик» тўгараги аъзолари.

ВЕТЕРАНЛАР УЧРАШУВИ

Кеча Ўзбекистон меъморлар уюшмасида Совет армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти кунига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда таниқли ветеран меъморлар пойтахт шаҳар ва Куйбишев райони ветеранлари билан учрашдилар.

Учрашувни меъморлар уюшмаси ветеранлар Кенгашининг раиси А. Файнлейб очди. Уюшма правленеси раиси, Ўзбекистон ССР халқ депутати Т. Қодирова йиғилганларни байрам билан табриклаб, уюшма олиб бораётган ишлар ҳақида қисқача маълумот берди.

Куйбишев район меъмори Л. Тошматова эса районнинг эртанги жамоли, истиқболини лойиҳа-харита асосида қизиқарли тарзда тушунтирди. Шунингдек, у ветеранларни қизиқтирган саволларига жавоб берди.

Ветеран В. Серебряков, И. Асфандиёров, СССР халқ депутати В. Золотухин ва бошқалар ҳам жумҳурият, хусусан пойтахт қурилишларини жадаллаштириш, сифатини яхшилашда меъморлар олдида турган вазифалар, муаммолар ҳақида сўзладилар.

Учрашувда уруш ва меҳнат шаҳар ветеранлари Кенгашининг раиси С. Охунжонов иштирок этди. Отахонларнинг суҳбатлари бир пиёла чой устида давом этди. Куй-қўшиқлар таралди.

М. АБДУСАМАТОВА.

ОКТЯБРЬ ФАРЗАНДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ФАҚАТ ГИНА ҳарбий кадрлар ўчоғи бўлибгина қолмасдан, фронтни қурол ва ҳарбий аслаҳа, моддий воситалар билан таъминлаб, душман устидан ғалабани тезлаштиришга катта ҳисса қўшди. Республикамиз территориясида мамлакатимиз ғарбий районларидан юздан ортиқ йирик саноат корхонаси кўчириб келтирилди. Урушнинг энг оғир даврида ишга туширилган 280 дан ортиқ завод ва фабрика фронтни тегишли маҳсулотлар билан таъминлашда фаол қатнашди. Уруш йилларида қишлоқ меҳнаткашлари мамлакатга 4,8 миллион тонна пахта, минглаб тонна озиқ-овқат етказиб бердилар.

Улуғ Ватан уруши мамлакатимиз иқтисодий ва ҳарбий қудратинигина эмас, балки СССР халқлари дўстлигининг мустаҳкамлигига жиддий синов бўлди. Турли миллат жангчиларининг ягона бирлигига мисол бўладиган кўплаб далиллар мавжуд. Барча миллат вакилларини ягона мақсад — Ватанни ҳимоя қилиш, жанговар топшириқни бажариш, ғалаба соатини тезлаштириш бирлаштирган эди.

Урушдан кейинги йилларда партия раҳбарлигида халқимиз жуда қисқа муддат ичида вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқлар, завод ва фабрикаларни қайта тиклаб, Ватанимиз халқ хўжалиги ва ҳарбий қудратини юқори даражага кўтарди. Тарихан қисқа вақт ичида мамлакатимиз ва унинг Қуролли Кучлари жаҳондаги олдинги марраларга чиқиб олди.

КПСС Программасида СССР ва АҚШ ўртасидаги ҳарбий стратегик тенгликка эришилганлиги социализмнинг тарихий ютуқлари сифатида баҳоланади.

Туркистончи-жангчилар СССР Қуролли Кучлари шахсий состави каби ўз анъанавий байрамларини мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида қайта қуриш кетаётган бир шароитда нишонламоқда. Совет ҳарбий доктринаси ва Варшава Шартномаси ҳарбий доктринаси асосини янгича сиёсий тафаккур ташкил этади. Бу доктрина ядро ва оддий урушларга йўл қўймасликни талаб этади.

Янгича тафаккур бу шунчаки декларация эмас. У ҳаракат қилмоқда.

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида Улуғ Ватанимиз барча миллат ва элатлари вакиллари хизмат қилмоқдалар. Ҳозирги замон Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти, бу ягона, аҳил, Ватанимиз хавфсизлигини мустаҳкамлашдек ўз халқининг топшириғини бажараётган кўпмиллатли, ягона байналмилалчи оиладир. Кейинги йилларда Озарбайжон ва Арманистон ССРда аҳвол кескинлашди. Совет жангчилари СССР Олий Совети Президиумининг Тоғли Қорабоғ ва бошқа жойларда, Боку шаҳрида фавқулодда ҳолат жорий этилиши тўғрисидаги Фармонини тушуниб қабул қилдилар. Улар катта масъулият ва фидокорлик билан Кавказортида тинчлик ва осойишталикни тиклаш вазифасини, бу ерда тартиб ўрнатиш вазифасини бажармоқдалар.

Ўнлаб жангчилар Афғонистон тупроғида кўрсатган жасоратлари учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. Ўнлаб ҳарбий хизматчилар орден ва медаллар билан мукофотландилар. Улар орасида ўзбекистонлик жангчилардан Совет Иттифоқи Қаҳрамони, кичик сержант Юрий Исломов, Қизил Юлдуз ордени соҳиби, старшина Сергей Ҳасаналиев, оддий солдатлардан Анатолий Тимофеев, Солижон Мирзааҳмедов, Карим Шерматов ва бошқалар бор.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи улуғ Ватанимиз Жанубий сарҳадларининг ишончли посбонидир. Унинг етмиш икки йиллик тарихи жанговар ва қаҳрамонлик анъаналарига бой.

Туркистончи жангчилар Қуролли Кучларимизнинг бу байрамини жанговар ва сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришган ҳолда нишонламоқдалар. Округ қисмларида мерганлик ҳаракати кенг қулоч ёзмоқда. Партия, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятини демократиялаштириш кучаймоқда. «Озод республикаларнинг тенг ҳуқуқли оиласида» шиори остида байналмилал тарбия соҳасидаги тадбирлар ўтказилмоқда. Округ қисмлари ва ҳарбий билим юртларининг меҳнат коллективлари, ўқув юртлари ва ДОСААФ ташкилотлари билан тарбиявий иш соҳасидаги алоқалари ва ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланмоқда. Ўтган йил декабрь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистоннинг байналмилалчи жангчилари ва запасдаги жангчилар Ассоциациясининг таъсис конференцияси армия ва халқ ҳамкорлигининг ёркин ифодаси бўлди. Ёшлар ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини янада яхшилаш, уларни Қуролли Кучларимиз сафларида хизматга тайёрлашда муҳим омил бўлди.

Совет Қуролли Кучларининг бу байрами умумхалқ байрамидир. Армия ва Флот жангчилари, шу жумладан, Ватанимиз Жанубий чегараларининг ҳимоячилари бу байрамни ҳар бир ҳарбий коллективни қайта қуришда муҳим натижаларга эришган ҳолда кутиб олмоқдалар.

Генерал-лейтенант А. И. ЗАХАРОВ,
Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси бошлиғи, Ҳарбий кенгаш аъзоси.

БЎКАДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Илгари хабар берилганидек, 20 ва 21 февраль кунлари Бўка районида ижозат берилмаган митинглар ва йиғилишлар бўлди. Ички ишлар органлари жамоат тартиби бузилишининг олдини олиш чораларини кўрдилар. Жабр тортганлар ва қурбонлар йўқ.

Бўка районида вужудга келган аҳвол Тошкент область партия комитети бюросининг мажлисида кўриб чиқилди ва аҳволни барқарорлаштириш юзасидан тадбирлар белгиланди. Область партия комитетининг бюросида одамлар норозилигининг сабаблари чуқурроқ эканлиги таъкидланди — ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг суст ҳал этилаётганлиги, ижтимоий адолат принципларининг бузилаётганлиги, кадрлар масаласидаги нуқсонлар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети бюросининг қарори билан районнинг бир қанча раҳбар ходимлари партиявий йўл билан қаттиқ жазоланди, ижтимоий кескинликни юмшатиш юзасидан кечиктирмай бажариш лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳозирги вақтда Бўкадаги ва унга яқин жойлардаги аҳвол барқарорлашди ва батамом назорат қилинмоқда, Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари жамоат тартиби бузилиши фактлари юзасидан терговни давом эттирмоқдалар.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

ОМАДИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ

65-ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ТИРАЖ 1990 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛДА УЖГОРОД ШАҲРИДА УЙНАЛДИ

Заёмнинг қирқ етти разрядидаги серия ва облигацияларининг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
200347	1—100	250	229828	024*)	1000	268549	006*)	1000
200434	1—100	100	230119	098*)	1000	269489	1—100	250
200854	1—100	100	230495	1—100	100	269904	013*)	1000
201398	022*)	500	230965	037*)	500	270342	1—100	100
201821	052*)	500	231086	086*)	1000	271057	097*)	500
201874	064*)	1000	231594	075*)	500	272259	1—100	100
202310	1—100	100	231816	023*)	500	273493	007*)	1000
202896	039*)	500	232481	044*)	500	273524	059*)	1000
203430	052*)	1000	232967	033*)	500	274343	1—100	250
203567	1—100	100	233325	029*)	500	274455	097*)	1000
203661	047*)	5000	233536	1—100	100	276119	088*)	1000
204801	010*)	500	234692	013*)	2500	276549	088*)	5000
204977	1—100	100	236212	1—100	100	276835	062*)	2500
205978	052*)	500	237090	030*)	1000	277139	1—100	250
207092	1—100	100	237492	1—100	100	277475	073*)	500
207895	1—100	100	237512	023*)	1000	278544	011*)	500
209095	063*)	1000	237550	1—100	250	279018	028*)	1000
209269	1—100	100	238954	084*)	2500	279218	1—100	100
209303	1—100	100	239673	086*)	2500	279589	017*)	1000
209307	1—100	100	240063	064*)	500	280355	100*)	5000
209743	068*)	2500	240409	1—100	250	281043	070*)	1000
210359	078*)	500	240952	034*)	500	282048	060*)	2500
210443	021*)	1000	241496	054*)	500	282525	096*)	2500
210882	1—100	500	241638	1—100	100	282841	072*)	500
210972	1—100	250	241654	063*)	1000	282928	080*)	500
211301	010*)	5000	241886	1—100	100	283819	035*)	1000
212277	012*)	500	243393	070*)	500	284277	066*)	500
212513	015*)	1000	243546	1—100	100	284495	1—100	250
212644	1—100	100	243902	097*)	500	286768	030*)	500
212805	048*)	1000	245184	079*)	1000	287553	009*)	500
213581	003*)	500	245471	022*)	1000	287613	1—100	250
213758	1—100	100	245820	020*)	500	287751	1—100	100
214185	1—100	100	245830	1—100	100	287853	047*)	1000
214605	007*)	2500	245954	035*)	2500	288465	028*)	1000
214970	1—100	250	247426	092*)	500	288529	059*)	1000
215098	1—100	250	247485	047*)	500	289121	1—100	100
215407	060*)	500	247497	1—100	250	289228	1—100	500
216357	088*)	1000	247718	079*)	1000	289294	085*)	1000
216447	030*)	1000	248403	003*)	2500	289355	1—100	250
216519	007*)	2500	248878	040*)	2500	289664	021*)	2500
217089	064*)	1000	249245	041*)	500	289836	1—100	250
217244	025*)	2500	249263	028*)	500	289990	1—100	100
217472	093*)	1000	249274	002*)	1000	290246	027*)	500
218226	056*)	1000	249310	1—100	250	290321	1—100	100
219646	078*)	1000	249547	1—100	250	290384	081*)	500
219688	022*)	1000	249673	1—100	100	290952	074*)	500
219925	021*)	1000	250637	065*)	1000	291274	050*)	2500
220473	1—100	250	251998	062*)	1000	291621	1—100	100
220538	1—100	100	252100	1—100	100	291725	039*)	500
221525	004*)	1000	252648	075*)	2500	291731	1—100	250
221606	028*)	5000	253525	067*)	500	292017	056*)	2500
221667	086*)	10000	253801	015*)	500	292121	1—100	100
222134	043*)	500	256103	045*)	500	292405	088*)	1000
222195	1—100	100	256124	1—100	250	293023	061*)	500
224611	1—100	100	256530	1—100	250	293225	037*)	500
225293	005*)	500	257098	080*)	1000	295396	017*)	500
225724	092*)	1000	257944	025*)	2500	295412	1—100	100
226320	057*)	2500	258283	1—100	250	295706	029*)	1000
226433	053*)	1000	260250	1—100	100	296061	084*)	1000
226531	031*)	500	261775	064*)	1000	296353	014*)	500
226782	014*)	500	262177	068*)	500	296433	1—100	100
227645	1—100	250	263121	1—100	100	297032	1—100	100
228182	1—100	100	263333	077*)	1000	297690	056*)	1000
228528	049*)	1000	263482	1—100	250	298339	078*)	1000
228533	1—100	250	264558	1—100	100	298726	090*)	2500
229302	051*)	1000	265022	063*)	500	299592	020*)	1000
229643	1—100	250	267153	046*)	1000			

Шу сериядаги облигацияларнинг қоғаз 99 номерига 100 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда 50 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

100 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда — 100, 250, 500 сўм ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан сериядаги облигацияларнинг барча номерларига, айнан 200, 500, 1000 сўм ютуқ тўланади. 100 сўмлик облигация номерларидан бирига 500, 1000, 2500, 5000, 10000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 100 сўм чиқади ва облигация бўйича 600, 1100, 2600, 5100, 10100 сўм тўланади, 25 сўм қиймати облигацияларга 50 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига ютуқ чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Мазкур жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, СССР Жамғармалар банкининг муассасалари ана шу ҳужжат асосида газетанинг навбатдаги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссияси раиси — Халқ депутатлари Закарпатье вилоят Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари —

З. А. СУХАН.

Тираж комиссиясининг масъул секретари Е. И. ДЕМИНА.

«Гипрорибхоз» институтининг ЎРТА ОСИЁ БЎЛИМИ ишга яроқли СКА-1 маркадаги нур ёрдамида нусха кўчирувчи машина ва 2-ПН-2 маркадаги тўрт ғилдиракли автомобиль шатагини **СОТАДИ**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, 10-квартал. Маълумотлар учун телефонлар: 76-60-83, 76-39-05.

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси жамоаси бошқарув ҳайъати аъзоси, Ўзбекистонга хизмат кўрсатган маданият ходими, «Радуга» нашриётининг Тошкент бўлими директори А. Ҳ. Бобохоновга онаси

Карима БОБОХОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон радиоси жамоаси адабий-драматик эшиттиришлар бош редакциясининг катта муҳаррири

Исом ЗОКИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўрта Осиё геология минерал хом ашёлар илмий-тадқиқот институти (САИГИМС) жамоаси катта илмий ходим Ҳ. А. Аҳмедовга қизи

Феруза Ҳамидовна АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01124. № 46. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12